XALQ DEPUTATLARI RISHTON TUMAN KENGASHI

Q A R O R I

2022 - yil 4 - fevral VI-34-13-11-158-K/22 Rishton tumani hokimligi

Ҳалқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 31 декабрдаги VI-32-43-11-158-К/21-сонли қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429 ва 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Риштон тумани Молия бўлимининг 2022 йил 25 январь кунги 01/32/15-сонли хатини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 24-моддаларига асосан ҳалқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар:

Ҳалқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 31 декабрдаги VI-32-43-11-158-К/21-сонли “Ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси ва тарифларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг 1- ва 2-иловалари мазкур қарорнинг -қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлари- 1чи, -жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжаллаган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффицентлари-2-иловаларга мувофиқ янги таҳрирда баён этилсин.

2. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ҳалқ депутатлари туман Кенгашининг 2021 йил 31 декабрдаги "2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида"ги VI-32-44-11-158-К/21-сон қарори билан тасдиқланган 7 ва 8-иловаларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ҳалқ депутатлари Риштон тумани Кенгашининг 2022 йил 4 февраль кунги VI-34-12-11-158-К/22-сонли қарори Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги Қонуннининг 25-моддаси ва 27-моддаларига асосан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаганлиги сабабли ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

4. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Мустафақулов)га тумандаги тегишли ваколатли органлар билан биргаликда мазкур қарор билан белгиланган базавий солиқ ставкаларига киритилаётган коэффицентларни қўллаб борилиши юзасидан ўрнатилган тартибда мониторинглар ўтказиб борсин.

5. Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (А.Дехқонов) мазкур қарорни тумандаги оммавий ахборот воситаларида, ҳокимлик муассислигидаги газеталарда эълон қилсин ҳамда ҳокимликларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштириш тавсия этилсин.

6. Манфаатдор корхона ва ташкилотлар ўзларининг идоравий меъёрий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Кенгаш қарори бажарилишини назорат қилиш ҳалқ депутатлари туман Кенгашининг “Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича” доимий комиссияси раиси Д.Рахмонқулов ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустафақулов зиммасига юклансин

Туман хокими **С.Солиев**